ЖАХОЛАТ ДАРДЛАРИДАН

Исмимизни билмаймиз! Нима учун? Бизга ўргатмабдурлар. Масалан, исмимиз Абдулсамад экан, «Абсамат», хатто, кишлокларда «Апсат» дерлар. (Афу буюрулсун, адабдан хориж бўлса-да, адабга даъват этар.) Оти Ёдгор экан — «Жодигор», Лутфулло экан — «Нутфулло» аталадур. (Астагфурулло!) Галат атамок сабаби ила авом котиблар тарафидан козихона, валаснойхона хужжатларинда ва хукумат махкамаларинда хам шул тарика галат ва масхаралик холатинда ёзилур. Хатто, шахарларда, дўкон ва корхоналарни тепасинда русча ва мусулмоний хат илан «Обдукодир», «Патхулла», «Санатулло» («Санъатулло»), «Обдурахмон» ва мундан хам галатрок ёзилиб осилган лавхалар бордур. Бу галатлар бонка ва хазина ва нотариўс-маковолот мухаррирлиги доираларигача борар. Бир замон бу галат исмларни тўгри ёзиб махкамага берилса, махкамадан тўгрини галат деб кайтарарларки, аларни кайтариши тўгридур. Бу галатларни тузатмоги ва ё дурустларни галат килмоги учун иш эгасига, яъни исмни сохибига хафталар ва ойлар ила югурмок лозим келур. Муни-да кўйдук.

Шундай галат кета берса, йигирма-ўттуз сана сўнгра халк янадан авомрок бўлуб, мусулмон исмлари яна зиёдарок бузилур. Дўкон ва корхоналар тепасиндаги унвонлар мундан зиёдарок галат исмларни шомил бўлур. Энди мунга илож, исм кўйганда, исмни маъносини баён килинмок ва кайфияти талаффузни ота-онага билдурмок керак. Ва алар болани ўзига хам билдурсунлар ва исмларни ёзганда ва чакирганда дуруст атамок керак. Ва хам «Жўракул», «Норкул», «Тошмурод», «Болтакул»дек маъносиз исмлар ила болани аталмасун. Балки арабий, туркий, форсий маънолик исмлар ила аталсун... Ажаби шулки, идорада галат ёзилиб келган исмларни тўгри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур. Исмлари арабий экан, араб коидаси бўйинча «алиф» — «лом» ила ёзсанг, шикоят этарлар. Оре, ул бечораларга айб йўк. Айб жахолатга ва мактабсизликга ва рухонийларни(нг) мусохалаларинда, диний ва миллий ишларга диккат этмаганлариндадур. Исм тўгрисинда тотор биродарларимизни хам баъзи холлари ажойибдур. Масалан, «Айнулло», «Набиюлло», «Рухулло» деган исмларга учраладурки, бу хам бир навъ диккатсизликдур.

«Ойна» журнали, 1914 йил, 18-сон, 318—319-бетлар.